

548 - وَعَنْ أَبِي بِشْرٍ قَيِصَّةَ بْنَ الْمُحَارِقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَحَمَّلْتُ حَمَالَةً فَأَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسْأَلَهُ فِيهَا، فَقَالَ: «أَقْمِ حَتَّى تَأْتِنَا الصَّدَقَةُ فَنَأْمُرُ لَكَ بِهَا» ثُمَّ قَالَ: «يَا قَيِصَّةُ، إِنَّ الْمَسْأَلَةَ لَا تَحِلُّ إِلَّا لِأَحَدٍ ثَلَاثَةِ: رَجُلٌ تَحْمَلْ حَمَالَةً؛ فَحَلَّتْ لَهُ الْمَسْأَلَةُ حَتَّى يُصِيبَهَا ثُمَّ يُمْسِكُ، وَرَجُلٌ أَصَابَتْهُ جَائِحَةٌ اجْتَاهَتْ مَالَهُ؛ فَحَلَّتْ لَهُ الْمَسْأَلَةُ حَتَّى يُصِيبَ قِوَاماً مِنْ عَيْشٍ - أَوْ قَالَ: سِدَادًا مِنْ عَيْشٍ - وَرَجُلٌ أَصَابَتْهُ فَاقَةٌ، حَتَّى يُقُولَ ثَلَاثَةِ مِنْ ذَوِي الْحِجَّى مِنْ قَوْمِهِ: لَقَدْ أَصَابَتْ فُلَانًا فَاقَةً؛ فَحَلَّتْ لَهُ الْمَسْأَلَةُ حَتَّى يُصِيبَ قِوَاماً مِنْ عَيْشٍ - أَوْ قَالَ: سِدَادًا مِنْ عَيْشٍ - فَمَا سِوَاهُنَّ مِنَ الْمَسْأَلَةِ يَا قَيِصَّةُ سُحْتُ، يَا كُلُّهَا صَاحِبُهَا سُحْتًا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1044].

«الْحَمَالَةُ» بِفَتْحِ الْخَاءِ: أَنْ يَقْعَ قِتَالٌ وَنَحْوُهُ بَيْنَ فَرِيقَيْنِ، فَيُصْلِحُ إِنْسَانٌ بَيْنَهُمْ عَلَى مَا لِي يَتَحَمَّلُهُ وَيَلْتَرِمُهُ عَلَى نَفْسِهِ، وَ«الْجَائِحَةُ»: الْآفَةُ تُصِيبُ مَالَ الْإِنْسَانِ، وَ«الْقَوَامُ» بِكَسْرِ الْقَافِ وَفَتْحِهَا: هُوَ مَا يَقُولُ بِهِ أَمْرُ الْإِنْسَانِ مِنْ مَا لِي وَنَحْوُهُ وَ«السِّدَادُ» بِكَسْرِ السِّينِ: مَا يَسْدُدُ حَاجَةَ الْمُعْوِزِ وَيَكْفِيهِ، وَ«الْفَاقَةُ»: الْفَقْرُ وَ«الْحِجَّى»: الْعَقْلُ.

548. Абу Бишр Қабиса ибн Мухориқ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир түлов мажбуриятини\* зиммамага олдим. Кейин шу борада (ёрдам) сүраб, Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга келдим. У зот: «Тура турчи, бизга садақа келиб қолса, ўшани сенга деб (беришни) буюрармиз», дедилар. Сүнг шундай дедилар: «Эй Қабиса, сўраш

**тиланиш уч кишигагина ҳалол бўлади:**

**Бирор тўлов мажбуриятини зиммасига олган киши. Ўшани қўлга киритгунча сўраш тиланиш ҳалол, кейин тийилади;**

**Молмулкини бирор офат йўқ қилган киши. Унга то яшашга яроқли нарсани [ёки «яшашга етарли нарсани»] қўлга киритгунча сўраш тиланиш ҳалол бўлади;**

**Қашшоқлик етиб, қавмидан учта аҳли дониш «Ҳақиқатан, фалончига қашшоқлик етди» дейдиган киши, унга ҳам то яшашга яроқли нарсани [ёки «яшашга етарли нарсани»] қўлга киритгунча сўраш тиланиш ҳалол бўлади.**

**Аммо бундан бошқасида, эй Қабиса, тиланчилик қилиш ҳаром. Унинг соҳиби ҳаромни еган бўлади», дедилар.**

*Имом Муслим ривояти.*

**Шарҳ:** «Тўлов» деб ўгирилган сўз арабчада «ҳамаалатун» бўлиб, оддий тўловдан фарқ қиласи. \* Бу сўз дия, қарз ёки шу каби бошқа молиявий мажбуриятлар устида тортишиб турган икки тарафни яратириш учун мажбурий тўловни зиммага олишни англатади.

Ушбу ривоят эгаси Қабиса ибн Мухориқ розияллоҳу анҳу ҳам шундоқ қилиб, зиммаларига пул юкини олганлар. Бу юкни адo этишда ёрдам сўраб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганлар. У зот закотга олинган моллардан келиб қолса ёрдам беришни ваъда қилганлар. Шу билан бирга, бунга ўхшаш закот олишга, ундан ёрдам сўраб келишга ҳакли яна икки тоифани ҳам айтиб берганлар.

Бирор офат етганлиги сабабли мол-мулки ҳалокатга учраган кишилар ҳам турмуш харажатларига яраша олсалар ҳалол экан. Турли сабабларга кўра қаттиқ фақирликка учраган киши ҳам, уни танийдиган уч киши гувоҳлик берса, закот маблағидан олса бўлар экан.

Жумҳур уламолар бу ҳадисни келтириш билан ҳожати йўқ одам закот олмаслиги керак, демоқчи бўладилар. Бу билан моли нисобга етмаса олса бўлаверади, деган ҳанафийларга қарши далил келтирадилар. Аслида эса, ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ.

Ҳанафийлар энг муҳтоjlар биринчи навбатда ҳакли, дейдилар. Агар улар бўлмаса ёки улардан ортиб қолса, моли нисобга етмаганлар ҳам олса бўлади. Лекин бойлар олиши мумкин эмаслигига шубҳа йўқ.

2. Касб қилишга қодир, соғлом кишига ҳам закот молидан олиш тўғри келмайди.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

